



**Р.А.Алимухамедов**

*Ориентал университети, Тиллар-1 кафедраси профессор в.б.,  
филология фанлари доктори*

**Аннотация** Турк-моний ёзуви (турк-манехейская письменность) — қадимги туркий халқларнинг диний-маънавий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган ёзув тизими бўлиб, асосан VI–X асрларда моний дин таълимотини тарғиб қилувчи туркий жамоаларда қўлланилган. У моний алфбоси асосида шаклланидиган бўлиб, сугд ва оромий ёзувларидан таъсирланган ҳолда туркий тил фонетикасига мослаштирилган. Бу ёзувда битилган матнлар (алқовлар, дуолар, диний-фалсафий асарлар) кўпинча икки тилли (тохар+туркий, эроний+туркий) бўлиб, Турфон (Шарқий Туркистон) ҳудудларида топилган қўлёзмаларда сақланган. Турк-моний муҳтида қўлёзма китобат (потхи услуби, қозғоз ва пальма япроқларидан фойдаланиши), саводхонлик даражаси юқори бўлган. У қадимги туркий адабиёт ва маданиятнинг ривожланишида, шунингдек, кейинги уйғур ёзуви шаклланишига таъсир кўрсатган. Мақолада турк-моний ёзувининг келиб чиқиши, қўлланиши соҳалари, матнларнинг хусусиятлари ва тарихий аҳамияти қисқача ёритилган.

**Калит сўзлар:** турк-моний ёзуви, моний алфбоси, қадимги туркий ёзувлар, икки тилли матнлар, алқов, Турфон қўлёзмалари, монийлик дини, сугд таъсири, уйғур ёзуви, қадимги туркий адабиёт, китобат санъати, диний-фалсафий матнлар.


Инсоният тарихида жуда кўплаб ёзув турларидан фойдаланилган бўлиб, улар орасида фақатгина диний асарлар учун яратилган ёзувлар бармоқ билан санарли. Шундай ёзувлар сирасига моний ёзуви ҳам киради.

Олимларнинг фикрича, монийликнинг асосчиси Моний ибн Фатак (216-276) ўз таълимотини ёйиш мақсадида оромий-сурёний ёзув негизи асосида ўз ёзувини кашф этган. Ушбу ёзув ўрта форс тили фонетик-фонологик қурилишини ўша даврда истемолда бўлган пахлавий ёзувидан анча кенг ёритиб берган<sup>59</sup>.

Тадқиқотчилар моний ёзувининг келиб чиқиши тўғрисида турли фикрларни берадилар. Монийликка қарши бўлганлар ушбу ёзувни Монийнинг ўзи ўйлаб топган сирли хат дейдилар. Лекин бу фикр тўғри эмас. Ушбу ёзув оромий хатининг югурик тури асосида эстрангелонинг авлоди бўлган пальмир ёзувига ўхшаш ёзувдан келиб чиққан деган тахминлар ҳам бор. Ундан ташқари, Моний моҳир рассом бўлгани учун ўз ёзувини такомиллаштирган, деган фикрни ҳам олға сурадилар<sup>60</sup>.

<sup>59</sup> Оранский И.М. Введение в иранскую филологию. Москва. 1960. Стр. 190.

<sup>60</sup> Дирингер Д. Алфавит. Москва. 1963. Стр. 348.





## MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Моний ёзуви оромий ёзувининг пальмир кўринишидан бирининг негизида пайдо бўлган<sup>61</sup>.

Моний ёзуви фақат моний мазмунли асарларни кўчириш учун қўлланилган. Улар қадимги эроний (пахлавий, парфиёний, суғдий. Баъзи манбаларда ўрта форс, бактрия, илк янги форс тилларида ҳам манбалар ёзилганлиги қайд этилган<sup>62</sup>) ҳамда туркий тилда. Моний ёзувли манбалар, асосан, VIII–IX асрларда кўчирилган<sup>63</sup>.

XX аср бошларида Турфондан кўплаб моний ёзувли матнлар топилган бўлиб, улар уч эроний тил: ўрта форс, парфиёний тилларида битилган<sup>64</sup>. Шарқий Туркистон худудидан топилган моний асарлари ўрта форс тили манбаларига киради<sup>65</sup>.

Моний ёзуви, аввал тор доирада, фақатгина моний роҳиблари орасида маълум бўлган. Кейинчалик эса бу ёзувни моний жамоа аъзолари (ниғўшаклар) ҳам ўрганган бўлишлари керак.

Моний ёзувидаги ҳарфий белгиларни баъзилар 29 та<sup>66</sup>, баъзилар эса 23-27 та атрофида<sup>67</sup>, баъзи манбаларда 30 та<sup>68</sup> деб берилган. Ёзувдаги белгилар сонининг ҳозирги ўзбек тилига мослаштирилган кирилл ҳамда лотин ёзувлари каби аниқ эмаслиги унинг ўзга тил учун яратилгани ҳамда туркий тилли матнларда баъзи эроний тилларнинг хусусиятларини англлатувчи белгиларнинг қўлланишида, дея тушунтириш мумкин.

Моний ёзуви оромий тармоғидаги бошқа ёзувлар сингари ўнгдан чапга қараб ёзилади<sup>69</sup>. Моний ёзувида араб хатиға ўхшаб ҳар бир ҳарфнинг уч кўриниши бўлмаса-да, баъзи ҳарфлар матнда бир-бирига қўшилиб ёзилган. Жумладан, alif ҳарфи ўзидан кейин келган <n> ва <r> ҳарфларига қўшилади. Бундан ташқари, айрим тадқиқотчилар ушбу ёзувда белгиларни бир-бирига ўхшатиш хусусияти мавжуд, деган фикр берадилар<sup>70</sup>.

Моний хатида икки хил ёзув тури ажратилади. Биринчиси ва кўп қўлланилгани ёзувнинг классик услубидир. Ёзувнинг ушбу турида ҳар бир ҳарф чиройли қилиб, дона-дона ёзилади. Бундай матнни ўқиш ўқувчига қийинчилик туғдирмайди. Моний ёзувида етиб келган аксар матнлар шу турда битилган. Ёзувнинг кейинги тури курсив кўринишга эга бўлиб, унда ёзилаётган ҳарфлар чап тарафга қиялатиб битилган. Бундай турда битилган матнлар санокли узиндиларда кузатилади (M50, M51).

Моний ёзувининг ўзига хос жиҳатларидан бири – унинг пахлавий ёзувиға ўхшаган идеограммадан ҳоли фонетик ёзув эканлигидир.

<sup>61</sup> *Рассторгуева В.С.* Среднеперсидский язык. Москва. 1966. Стр. 10-11.

<sup>62</sup> <http://www.iranicaonline.org/articles/manichean-script>

<sup>63</sup> *Ҳакимов М.* Шарқ манбашунослиги луғати. Тошкент. 2013. 193- б.

<sup>64</sup> *Рассторгуева В.С.* Среднеперсидский язык. Москва. 1966. Стр. 17-18.

<sup>65</sup> *Рассторгуева В.С.* Среднеперсидский язык. Москва. 1966. Стр. 25-26.

<sup>66</sup> *Ахунджанов Э.А.* История инвормационной культуры Узбекистана. Книга I. Ташкент. 2015. Стр. 111.

<sup>67</sup> *Ҳакимов М.* Кўрсатилган асар. 194- б.

<sup>68</sup> *Древнетюркский словарь.* Ленинград. 1969. Стр. XVII.

<sup>69</sup> *Ҳакимов М.* Кўрсатилган асар. 193- б.

<sup>70</sup> *Ахунджанов Э.А.* История инвормационной культуры Узбекистана. Книга I. Ташкент. 2015. Стр. 111.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Ёзувда унли ҳамда ундошларни англлатувчи белгилар мавжуд. Бундан ташқари, эроний тилларнинг ўз хусусиятларини англлатувчи ҳарфий белгилари ҳам бор.

**Унлиларнинг берилиши.** Туркий манбаларда унли товушларни ифодалашда моний алифбосидаги учта ҳарф – alif, vāv va yā дан фойдаланилган. alif ҳарфи [a]–[ā] товушларини, yā ҳарфи [i (~e)]–[ī] товушларини, vāv ҳарфи эса [ü]–[u]–[ö]–[o] товушларини англлатади.

Ёзувда олд ва орқа қатор унлилар фарқланган. Жумладан, сўз бошидаги ингичка, лабланмаган [ä-] товушини ифодалаш учун битта белги қўлланилган бўлса (~~ärsär~~ - ärsär (XL.68), йўғон, лабланмаган [a-] товушини ифодалаш учун иккита белгидан фойдаланилган (~~acitim~~ - acitīm(i)z (XL.57). Сўз ичи ва охирида лабланмаган ингичка ҳамда йўғон [a]–[ā] товушини ифодалаш учун битта белги қўлланилган (~~yamä~~ - y(ä)mä (XL.18), ~~otqa~~ - otqa (XL.70). Ёзувда сўз ичида ҳар доим ҳам қўйилавермаган. Лекин ўрни билан қўйиб ўқилади (~~tängri~~ - t(ä)ngri (XL.72), ~~yaruq~~ - y(a)ruq (XL.15).

Сўз бошида ингичка ва йўғон, лабланмаган [i-]–[ī-] товушларини бериш учун alif ва yā ёки hamza ва yā ҳарфлари қўлланган (~~ikinti~~ - ikinti (XL.34), ~~bişinç~~ - iğaçqa (XL.60). Сўз ичи ва охирида yā билан берилади (~~bişinç~~ - bişinç (XL.37), ~~ämti~~ - ämti (XL.61), ~~qırq~~ - qırq (XL.55), ~~yaruğı~~ - y(a)ruğı (XL.47). Сўз ичида қўлланилмайдиган ўринлари ҳам бор, лекин қўйиб ўқилади (~~ärksiz~~ - ärks(i)z(i)n (XL.24), ~~başl~~ - başl(ı)ğ (XL.54).

Сўз бошида ингичка, лабланган [ü-] товушини ифодалаш учун alif, vāv va yā ҳарфлари ишлатилган (~~üçünç~~ - üçünç (XL.35). Сўз ичи ва охирида vāv билан берилади (~~ärür~~ - ärür (XL.42), ~~käntü~~ - k(ä)ntü (XL.26).

Сўз бошида йўғон, лабланган [u-] товушини ифодалаш учун alif va vāv ҳарфлари ишлатилган (~~umatın~~ - umatın (XL.41). Сўз ичи ва охирида vāv билан берилади (~~yaruq~~ - y(a)ruq (XL.15), ~~boşunu~~ - boşunu (XL.62).

Сўз бошида ингичка, лабланган [ö-] товушини ифодалаш учун alif, vāv va yā ҳарфлари ишлатилган (~~ölürp~~ - ölürp (XL.146). Сўз ичи ва охирида vāv va yā билан берилади (~~törüg~~ - törüg (XL.74).

Сўз бошида йўғон, лабланган [o-] товушини ифодалашда alif ҳарфига қўшалок vāv улаб кетилади (~~oot~~ - oot (XL.37). Сўз ичи ва охирида эса битта vāv билан берилади (~~nomın~~ - nomın (XL.72).








MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS




Афтидан, турк-моний ёзувидаги бу ҳолат уйғур хатининг туркийга мослаштириш оқибатида юзага келган имло принциплари асосида юзага келган бўлиши керак<sup>71</sup>.






**Ёзувда ундошларнинг берилиши.** Ёзувда ундош товушларни билдириш учун 22 ҳарфдан фойдаланилган. Улар қуйидагилардир: b, z, w, k, q, g, ğ, h, f, č, l, m, n, s, š, p, r, d, q, k, t, y. Моний алифбоси туркий тилдаги барча ундош товушларни ифода этган. Юқорида таъкидлаганимиздек, идеограммадан холи бўлган мазкур ёзув ўша даврда яратилган ёдгорликларнинг фонетик-фонологик хусусиятларини тўлиқ очиб бера олади.






Ёзувда сонор [ŋ] товушини <n> ва <g> ҳарфларининг йиғиндиси ифодалаган.



Турк-моний ёзувида ундош товушларнинг ингичка-йўғон вариантини англлатувчи белгилар йўқ. Бу борада кўк-турк ёзуви анча такомилга етган: унда ундошларнинг фонетик жуфтини англлатувчи белгилар мавжуд<sup>72</sup>.


Ёзувда портловчи [d] ундошини бериш учун (د) ҳамда (ڭ) ҳарфларидан фойдаланилган:  - sīd(i)m(i)z (XL.51),  - din murua (XL.307). X-XIII аср манбаларида учрайдиган тишора [ð] товуши қўлланадиган сўзларда (ڭ) белгиси ишлатилган:  - ädgü (XL.70).

Ёзувда жарангли [b] ва жарангсиз [p] товушлари фарқланган:  - k(ä)lürüp (XL.105),  - bolup (XL.118),  - boltumuz (XL.102).

Жарангсиз [k] ва жарангли [g], [q] ва [ğ] товушлари ёзувда фарқланган: [k] товуши икки ҳарфий белги билан ифодаланган:  - yäkkä (XL.129),  - äkinti (XL.129),  - yükünč (XL.130),  - türüg (XL.128),  - bögtäg (XL.142).

[q] товуши ҳам икки ҳарфий белги билан ифодаланган:  - baçaq (XL.138),  - qilinč (XL.143),  - uluğqa (XL.86). Ўрни билан бир сўзда икки кўринишда ҳам ёзилган:  - tīnl(i)ğqa (XL.83),  - tīnl(i)ğqa (XL.82).

Жарангсиз [s] ва [š] товушларига алоҳида белги қўлланган:  - boşunu (XL.62),  - suw (XL.83).

Туркий тилда мавжуд бўлмаган бўғиз ундоши [h] ни берувчи ҳарф (ح) фақатгина эроний тиллардан ўзлашган сўзларда келади:  - m(a)nastar hirza (XL.63).

<sup>71</sup> Содиқов Қ. Эски туркий ёзувлар. Тошкент. 2008. 45-46 б.; Эски туркий битилгар. Тошкент. 2009. 78- б.

<sup>72</sup> Содиқов Қ. Эски туркий ёзувлар. Тошкент. 2008. 16-21 б.





## MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Ўзлашган сўзларда учрайдиган ҳамда туркий тилга хос бўлмаган [x] товуши матнларда (خ) белгиси орқали ифодаланган. Масалан: *ixloqiyat* - burhanlar (XL.133), *ixshoq* - č(a)xšap(a)t (XL.92).

<f> харфи ҳам ўзлашган сўзларда келади: *ixloqiyat* - frištilar (XL.224).

Ёзувда (ه) <hamza> белгиси якка ҳолда келмайди. Матнда ингичка ва йўғон [i] [i] товушларини англатиш учун уā харфи билан кўшилиб келади: *ixloqiyat* - ičkü (XL.56), *ixshoq* - iğaçqa (XL.60).

**Ёзувда туркий сингармонизмнинг берилиши масаласи.** Туркий тилларда сингармонизм (ингичка-йўғонлик)<sup>73</sup> ходисаси амал қилади. Туркий ёзувлар тарихида кўк-турк ёзувида ингичка-йўғонликни фарқловчи ундошлар истеъмолда бўлган бўлса, уйғур хатида махсус белгилар орқали сўзларнинг ингичка-йўғонлиги кўрсатилган<sup>74</sup>.

Туркий тилга мослаштирилган моний ёзуви ҳам бундан мустасно эмас. Моний ёзувида ингичка-йўғонликни фарқловчи махсус белгилар йўқ. Лекин моний ёзувини туркий тилга татбиқ қилганлар юксак филологик билимга эга бўлганликларини етиб келган матнлардан англаш мумкин.

Матнларда ингичка-йўғонлик унлиларда ҳам ундошларда фарқланган.

Унли товушларда бу хусусият ҳарфларни ишлатишда фарқланади: сўз бошида [ä] учун бир белги, [a] учун икки белги (мустасно: *ixshoq* - arig (XL.66). Сўз ўртаси ва охирида фарқланмайди.

Ёзувда сўз бошида ва баъзан ўртасида [ü] билан [u] ва [ö] билан [o] фарқланган<sup>75</sup>.

Ингичка-йўғонлик ундош товушларда, асосан тўртта харфда фарқланади: <k> ва <g> харфлари келган сўзлар ингичка, <q> ва <ğ> харфлари келган сўзлар йўғон ҳисобланади: *ixshoq* - köñülün (XL.107), *ixshoq* - tägmäkä (136.XL.), *ixshoq* - qilur-biz (XL.142), *ixshoq* - ağırtimiz (XL.90).

Бундан ташқари, ёзувда сўзларга кўшиладиган кўшимчалар (сўз ясовчи, сўз ўзгартувчи) орқали ҳам ингичка-йўғонликни фарқлаш мумкин: *ixshoq* - yirkä (XL.58), *ixshoq* - t(ä)ñrikä (XL.151), *ixshoq* - y(a)ruq (XL.160), *ixshoq* - başl(i)ğ (XL.54), *ixshoq* - nomuğ (XL.132), *ixshoq* - yülqa (XL.272), *ixshoq* - tutduq (XL.249).

Умуман олганда, туркий тилга мослаштирилган моний хати туркий халқлар қўллаган ўндан ортиқ ёзувлар ичида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Асосийси, туркий халқлар мазкур ёзувни ўз тилларига, фонетик ва фонологик

<sup>73</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент. 2002. 87-88 б.; Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. Toshkent. 2009. 122-125 b.

<sup>74</sup> Содиқов Қ. Эски туркий ёзувлар. 6-60 б.

<sup>75</sup> Унлиларнинг берилишига қаралсин.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

қурилишига мослаштира олганлар. Бунинг натижасида жуда кўплаб асарлар яратилган ва қунимизгача сақланиб қолган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ахунджанов Э.А. История инвормационной культуры Узбекистана. Книга I. Ташкент. 2015.
2. Дирингер Д. Алфавит. Москва. 1963.
3. Древнетюркский словарь. Ленинград. 1969.
4. Оранский И.М. Введение в иранскую филологию. Москва. 1960.
5. Расторгуева В.С. Среднеперсидский язык. Москва. 1966.
6. Содиқов Қ. Эски туркий битилгар. Тошкент. 2009.
7. Содиқов Қ. Эски туркий ёзувлар. Тошкент. 2008.
8. Ҳакимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. Тошкент. 2013.
9. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изохли луғати. Тошкент. 2002.
10. Sodiқov Q. Turkiy til tarixi. Toshkent. 2009.

<http://www.iranicaonline.org/articles/manichean-script>

